



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TЎЛОВ БАЛАНСИ,  
ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МАВҚЕИ  
ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ**

**2024**

**I**

**ЯРИМ ЙИЛЛИК**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
МАРКАЗИЙ БАНКИ

- 2024 -

Бу қандай  
нашр?

Ушбу нашр 2024 йилнинг I ярми учун Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013) мувофиқ тайёрланган.

Маълумотлар  
қайси санага  
долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2024 йил 30 сентябрь ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Маълумотларни  
қаердан олиш  
мумкин?

Тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> ва ХВЖнинг <http://data.imf.org/> веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

Нашрга  
тааллуқли  
савол ва  
таклифлар  
бўйича қандай  
муружаат қилиш  
мумкин?

### **А.М. Олимов**

*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси  
департаменти директори*

(+998) 71 212-60-38

[olimov@cbu.uz](mailto:olimov@cbu.uz)

### **О.О. Тожиддинов**

*Департамент директори ўринбосари – тўлов баланси  
бошқармаси бошлиғи*

(+998) 71 212-60-77

[o.tojiddinov@cbu.uz](mailto:o.tojiddinov@cbu.uz)

### **Ш.Х. Хайитбоев**

*Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари*

(+998) 71 212-60-42

[sh.khayitboev@cbu.uz](mailto:sh.khayitboev@cbu.uz)


Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда [val@cbu.uz](mailto:val@cbu.uz) электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

## ҚИСҚАЧА ШАРҲ

Мазкур даврда **жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15 фоизга қисқариб, **2,4 млрд доллар** ёки ЯИМга нисбатан **5,4 фоизни** ташкил қилди.

Хусусан, асосий савдо ҳамкор мамлакатларда иқтисодий фаолликнинг кутилмалар доирасида шаклланиши, халқаро бозорларда хомашё нархларининг ўзгариши<sup>1</sup>, шунингдек норезидентларга халқаро хизматлар кўрсатиш (*туризм, транспорт ва ахборот технологиялари*) кўламининг ортиши натижасида, **экспорт ҳажми** ўтган йилнинг I ярмига нисбатан **4,1 фоизга<sup>2</sup> ўсиб, 12,7 млрд долларни** ташкил қилди.

Жорий йилнинг I ярмида ишбилармонлик фаолияти ва ички истеъмол талаби юқори даражада сақланиб қолиши шароитида хориждан энергоресурслар, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилиши, шунингдек ўтган йилнинг мос даврида айрим турдаги транспорт воситалари импорти ҳисобига шаклланган юқори база фонида **импорт ҳажми 3,4 фоизга кўпайиб, 20,6 млрд долларга тенг бўлди.**



<sup>1</sup> Жаҳон банкининг хомашё товарлари нархларига оид маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-июнь ойларида олтиннинг ўртача нархи ўтган йилнинг мос давридаги ўртача нархга нисбатан 14 фоизга, кумуш нархи 12 фоизга, мис нархи 4,5 фоизга ҳамда уран нархи 70 фоизга ўсган бўлса, пахтанинг (тўқимачилик соҳаси асосий хомашёси) нархи ўтган йилга нисбатан 4 фоизга ва жорий йил бошига нисбатан 8 фоизга пасайган.

<sup>2</sup> 2023 йил экспорт ҳажмларига киритилган тузатишларни инобатга олмаган ҳолда.


Натижада, 2024 йилнинг I ярмида **ташқи савдо балансининг** манфий сальдоси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 фоизга кўпайиб, **7,9 млрд долларни** ташкил қилди.

Ўз навбатида, **бирламчи ва иккиламчи даромадлар баланси** мусбат сальдо билан шаклланиб, мос равишда **572,5 млн доллар** ва **4,9 млрд долларни** ташкил этган ҳолда савдо баланси тақчиллигини қисман қоплади.

Меҳнат миграцияси географияси таркибида юқори даромадли мамлакатлар улушининг ортиши, шунингдек меҳнат муҳожирлари ишлайдиган анъанавий мамлакатларда иш ҳақи миқдорининг кўпайиши бирламчи ва иккиламчи даромадлар компонентлари бўйича тушумларнинг шаклланишини рағбатлантирган бўлса, норезидентларнинг инвестиция даромадлари ошиши харажатларни кўпайтирувчи омиллардан бўлди.

Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги молиявий ҳисоб бўйича капитал тушумлар, хусусан, тўғридан-тўғри, портфель ва бошқа инвестициялар жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилди.

Жумладан, 2024 йилнинг I ярми давомида мамлакатга **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф киритилиши**<sup>3</sup> ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,6 фоизга ўсиб, 1,3 млрд долларга тенг бўлди.



<sup>3</sup> Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмасига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ соф ҳажмларда (инвестиция киритилиши ва репатриацияси ўртасидаги сальдо) акс эттирилади.

**Портфель инвестицияларнинг соф жалб қилиниши 862 млн долларни ташкил қилиб, асосан халқаро облигациялар билан боғлиқ операциялар ҳисобига шаклланди.**

Юқоридаги таркибий омиллар ҳисобига 2024 йилнинг I ярми якуни бўйича **молиявий ҳисоб** манфий сальдоси **2,7 млрд** долларни ташкил этди.

Ҳисобот даврида **халқаро захира активларининг** хорижий валютадаги қисми 866 млн долларга қисқариши кузатилди. Бироқ, олтин жаҳон нархининг юқори суръатларда ўсиши натижасида халқаро захиралар қолдиғи жорий йил бошига нисбатан қарийб 1,8 млрд долларга кўпайиб, 2024 йилнинг 1 июль ҳолатига **36,3 млрд** долларни ташкил қилди.

2024 йилнинг I ярми якунига кўра, тўлов балансида акс этган амалиётлар ва нооперациявий ўзгаришлар таъсирида Ўзбекистоннинг **соф халқаро инвестициявий мавқеи** жорий йил бошига нисбатан **10 фоизга** мустаҳкамланиб, 2024 йил 1 июль ҳолатига **13,8 млрд** долларга етди.

Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми 4,1 млрд долларга (*жорий йилнинг бошига нисбатан 5 фоизга кўп*) ошган бўлса, ташқи мажбуриятлари ҳажми 2,8 млрд долларга (*4 фоизга кўп*) кўпайди.

Ҳисобот даври якунига кўра, **умумий ташқи қарз** ҳажми **56,6 млрд** долларни ташкил қилиб, шундан давлат ташқи қарзи ҳажми қарийб 31 млрд доллар<sup>4</sup> ҳамда корпоратив ташқи қарз ҳажми 25,6 млрд долларга тенг бўлди.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг тавсиялари ва трансчегаравий пул ўтказмаларига оид статистик сўровлар натижаларидан келиб чиқиб, 2022-2023 йиллардаги жорий операциялар ҳисоби кўрсаткичларига тегишли тузатишлар киритилди.

*Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ва ташқи қарз кўрсаткичларини шакллантириш доирасидаги ҳамкорлик учун тегишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради ҳамда кейинги самарали ҳамкорликка умид қилади.*

<sup>4</sup> ХВЖнинг ТБҚ 6-сон қўлланмасига мувофиқ давлат ташқи қарзи қолдиғи ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизларни ҳам ўз ичига олади.

## 1-илова. 2022-2024 йилларнинг I ярми учун тўлов баланси

(таҳлилий кўриниши)

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	2022 йил I ярми	2023 йил I ярми	2024 йил I ярми
<b>А. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси</b>	<b>-1 482,4</b>	<b>-2 859,8</b>	<b>-2 423,0</b>
Товарлар, кредит (экспорт)	8 461,8	10 078,7	9 537,0
Товарлар, дебет (импорт)	12 888,6	16 177,6	15 842,2
Хизматлар, кредит (экспорт)	1 691,0	2 344,4	3 152,9
Хизматлар, дебет (импорт)	3 305,8	3 704,3	4 711,2
<i>Жами экспорт</i>	<i>10 152,8</i>	<i>12 423,0</i>	<i>12 689,9</i>
<i>Жами импорт</i>	<i>16 194,4</i>	<i>19 881,9</i>	<i>20 553,4</i>
<i>Савдо баланси сальдоси</i>	<i>-6 041,7</i>	<i>-7 458,9</i>	<i>-7 863,5</i>
Бирламчи даромадлар, кредит	2 038,8	2 758,4	2 920,0
Бирламчи даромадлар, дебет	1 292,0	1 894,8	2 347,6
<i>Савдо баланси ва бирламчи даромадлар сальдоси</i>	<i>-5 294,9</i>	<i>-6 595,3</i>	<i>-7 291,1</i>
Иккиламчи даромадлар, кредит	4 262,4	4 194,6	5 410,8
Иккиламчи даромадлар, дебет	449,9	459,0	542,7
<b>В. Капитал операциялари ҳисоби (олтин-валюта захираларидан ташқари)</b>	<b>9,4</b>	<b>2,8</b>	<b>0,5</b>
Капитал операциялар ҳисоби, кредит	9,4	2,8	0,5
Капитал операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
<i>Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси</i>	<i>-1 472,9</i>	<i>-2 856,9</i>	<i>-2 422,5</i>
<b>С. Молиявий ҳисоб</b>	<b>-1 112,1</b>	<b>-313,2</b>	<b>-1 943,1</b>
Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар	2,7	10,4	8,2
Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	896,4	1 127,3	1 303,4
Портфель инвестициялар, активлар	0,0	0,2	0,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,2	0,0
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	7,7	3,6	862,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	7,3	4,0	-13,7
Қарз инструментлари	0,3	-0,4	875,7

Кўрсаткичлар	2022 йил I ярми	2023 йил I ярми	2024 йил I ярми
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари)	5,8	1,3	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар	-5,8	-1,3	0,0
Бошқа инвестициялар, активлар	3 569,8	1 570,2	2 448,2
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,4	0,4	0,0
Қарз инструментлари	3 569,4	1 569,8	2 448,2
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	1 496,5	-1 646,4	159,6
Давлат бошқарув сектори	-10,7	-10,5	-6,9
Бошқа секторлар	2 083,7	3 226,7	2 295,5
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	2 083,7	3 226,7	2 295,5
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	3 786,3	764,4	2 234,0
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,0	0,0
МҚҲ тақсимланиши	1,1	1,8	-0,1
Қарз инструментлари	3 785,2	762,6	2 234,1
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	2 190,6	57,3	191,1
Давлат бошқарув сектори	339,1	773,1	1 199,2
Бошқа секторлар	1 255,5	-67,8	843,8
Бошқа молиявий ташкилотлар	23,8	14,0	8,5
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	1 231,7	-81,8	835,4
<b>D. Соф хатолар ва йўқотишлар</b>	<b>645,8</b>	<b>521,4</b>	<b>-325,8</b>
<b>E. Умумий баланс</b>	<b>-284,9</b>	<b>2 022,2</b>	<b>805,2</b>
<b>F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар</b>	<b>284,9</b>	<b>-2 022,2</b>	<b>-805,2</b>
Захира активлари	285,2	-2 021,8	-866,3
ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари)	0,2	0,4	-61,1
Бошқа молиялаштириш	0,0	0,0	0,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-нашрида келтирилган таҳлилий кўринишни акс эттиради.

**2-илова. 2022-2023 йиллар ва 2024 йилнинг I ярми учун  
халқаро инвестициявий мавқе**

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.07.2024й.
<b>Активлар</b>	<b>82 293,7</b>	<b>84 883,5</b>	<b>88 948,1</b>
<b>Тўғридан-тўғри инвестициялар</b>	<b>202,0</b>	<b>209,9</b>	<b>219,2</b>
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	31,6	37,1	45,1
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	31,6	37,1	45,1
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
<b>Қарз инструментлари</b>	<b>170,3</b>	<b>172,8</b>	<b>174,0</b>
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2,5	2,5	2,5
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	167,9	170,4	171,6
<b>Портфель инвестициялар</b>	<b>2,5</b>	<b>2,9</b>	<b>3,0</b>
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	2,5	2,9	3,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1,1	1,1	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	1,4	1,8	1,9
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
<b>Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>



Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.07.2024й.
<b>Бошқа инвестициялар</b>	<b>46 321,6</b>	<b>50 106,0</b>	<b>52 385,4</b>
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	1,6	2,0	2,0
Қарз инструментлари	46 320,0	50 104,0	52 383,4
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкilotлари	4 556,9	3 242,7	3 404,7
Давлат бошқаруви сектори	3,7	4,8	3,3
Бошқа секторлар	41 759,4	46 856,4	48 975,3
Бошқа молиявий ташкilotлар	0,0	0,0	0,0
<b>Захира активлари</b>	<b>35 767,5</b>	<b>34 564,6</b>	<b>36 340,6</b>
Монетар олтин	23 064,8	24 632,2	27 318,9
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	1 057,3	563,0	551,9
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	0,0	0,0
Бошқа захира активлари	11 645,4	9 369,5	8 469,7
<b>Мажбуриятлар</b>	<b>63 340,9</b>	<b>72 283,3</b>	<b>75 132,1</b>
<b>Тўғридан-тўғри инвестициялар</b>	<b>13 839,7</b>	<b>14 864,1</b>	<b>15 253,8</b>
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	11 363,5	11 357,1	11 231,6
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	11 363,5	11 357,1	11 231,6
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	2 476,2	3 506,9	4 022,2
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2 245,3	3 214,2	3 689,2
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	230,9	292,7	333,0
<b>Портфель инвестициялар</b>	<b>4 192,1</b>	<b>5 295,3</b>	<b>6 114,6</b>
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	105,8	123,7	105,9
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкilotлари	48,4	57,5	66,9
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.07.2024й.
Бошқа секторлар	57,4	66,3	39,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	1,3	1,7	1,3
Қарз қимматли қоғозлари	4 086,2	5 171,6	6 008,7
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	893,9	1 027,7	1 099,9
Давлат бошқаруви сектори	2 375,0	3 284,7	4 030,9
Бошқа секторлар	817,3	859,2	877,9
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
<b>Ҳосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари</b>	<b>2,0</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>
<b>Бошқа инвестициялар</b>	<b>45 307,2</b>	<b>52 124,0</b>	<b>53 763,7</b>
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари (мажбуриятларни соф қабул қилиш)	1 057,6	1 068,8	1 047,6
Бошқа қарз инструментлари	44 249,6	51 055,2	52 716,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	10 440,4	11 318,7	11 367,2
Давлат бошқаруви сектори	18 007,8	21 353,4	22 159,7
Бошқа секторлар	15 801,5	18 383,2	19 189,1
Бошқа молиявий ташкилотлар	105,1	114,0	122,3
<b>Соф халқаро инвестициявий мавқе</b>	<b>18 952,7</b>	<b>12 600,1</b>	<b>13 816,0</b>